

**Сатторов Тохир Толмас ўғли - «Бухгалтерский учет»
ассистент кафедры.
Самаркандский институт экономики и сервиса.**

**ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОГИ СУБЪЕКТЛАРИДА ДОРИ-ДАРМОН
ВОСИТАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ: ХАЛҚАРО ВА
МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАР**

Annotatsiya: Маскўр мақолада дори-дармон воситалари назарий асослари ва уларни ишлаб – чиқариш, ҳамда уларни ишлаб – чиқаришдаги камчиликлар ва бартараф этиш йулларини тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Формацевтика, дори-дармон воситалари, ишлаб – чиқариш, технологиялар, 2022, 2023 ва 2024 йилларда, ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш.

Sattorov Tokhir Tolmas o'g'li - Assistant Professor of the Department of Accounting. Samarkand Institute of Economics and Service.

**THEORETICAL FOUNDATIONS OF MEDICINAL PRODUCTS IN THE
PHARMACEUTICAL INDUSTRY: INTERNATIONAL AND NATIONAL
ASPECTS**

Annotation: The article briefly discusses the theoretical foundations of pharmaceutical products and their production, as well as shortcomings in their production and ways to eliminate them.

Keywords: Pharmaceutics, pharmaceuticals, production, technologies, 2022, 2023 and 2024, processing, delivery, storage, transportation and sale.

Сатторов Тахир Толмас сын - "Бухгалтерский учет"
доцент.
Самаркандский институт экономики и сервиса.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В
СУБЪЕКТАХ АПТЕЧНОЙ СЕТИ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ И
НАЦИОНАЛЬНЫЙ АСПЕКТЫ**

Аннотация: В статье кратко рассматриваются теоретические основы фармацевтических препаратов и их производства, а также недостатки в их производстве и пути их устранения.

Ключевые слова: Фармацевтика, лекарственные средства, производство, технологии, переработка, доставка, хранение, транспортировка и реализация в 2022, 2023 и 2024 годах.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида келтирилган “2022 – 2024 йиллар учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари”да “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш” бўйича стратегик мақсад белгилаб берилган. Ушбу стратегик мақсад бўйича қишлоқ хўжалиги ва дори-дармон воситалари экспорти ҳажмининг ошиши бўйича прогноз 2022, 2023 ва 2024 йилларда мос равишда 1,4, 1,6 ва 2,3 млрд АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган¹.

Мамлакатимиз корхоналарида бу каби долзарб муаммо ва вазифаларни ҳал қилиш, бугунги кунда, тайёр маҳсулотлар ҳисобининг нафақат амалий, балки назарий масалаларини ҳам такомиллаштиришга эҳтиёж сезади.

Тадқиқот давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ва миллий стандартлар ҳамда хорижий ва маҳаллий адабиётлар ўрганиб чиқилганда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 30 декабрь. ПҚ-73.

тайёр маҳсулотлар, жумладан дори-дармон воситаларимаҳсулотлари атамаларига турлича ёндашувлар қилиниб таъриф ва тавсифлар берилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Дори-дармон воситалари маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунида дори-дармон воситалари маҳсулотларига доир қуйидаги таърифлар келтирилган:

озик-овқатлар – дори-дармон воситалари хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;

дори-дармон воситаларимаҳсулоти – дори-дармон воситаларихом ашёси, (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар ва уларнинг таркибий қисмлари, дори-дармон воситаларихом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;

болаларбоп дори-дармон воситалари – болалар организмнинг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус дори-дармон воситалари;

дори-дармон воситалари маҳсулоти муомаласи – дори-дармон воситаларимаҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

дори-дармон воситалари сифати – дори-дармон воситалари истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

дори-дармон воситалари хом ашёси – озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек минераллар объектлари, сув.²

² Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-И сон.

2-сон (IAS) “Захиралар” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида товар-моддий захиралар атамасига қуйидагича таъриф келтирилган:

“Товар-моддий захиралар – бу одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган, бундай сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, ёки ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши кўзланган хом ашё ва материаллар кўринишидаги активлар”³.

Олиб борилган тадқиқотлар бир қатор хорижий олимларнинг ҳам бу борадаги фикр ва мулоҳазаларини ҳамда берган таърифларини ўрганиб чиқишни тақозо этди.

Россиялик олим С.Н.Поленованинг таъкидлашича, “Тайёр маҳсулот – бу корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланган, стандарт талабларига ва техник шартларига жавоб берадиган, техник назорат хизмати томонидан қабул қилинган, қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари билан расмийлаштирилган ва тайёр маҳсулотлар омборига топширилган маҳсулот”⁴.

Ўзбекистон Республикаси 4-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида қуйидагича таърифлар келтирилган:

Товар-моддий захиралар – фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар. Ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (реализация қилиш учун мўлжалланган ва шартномада ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бошқа

³2-сон БҲХС (IAS) “Захиралар (Inventories)”.
<https://www.ifrs.org/content/dam/ifrs/publications/pdf-standards/english/2022/issued/part-a/ias-2-inventories.pdf>

⁴Поленова С.Н. Учёт готовой продукции: оценка, выпуск из производства, продажа // Проблемы учёта. 2007. № 23 (215).

хужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив).⁵

Маҳсулотлар, шу жумладан тайёр маҳсулотлар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилганда, албатта мамлакатимиз олимларининг илмий изланишларини ҳам алоҳида ҳисобга олишимиз зарур.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан К.С.Исмайлов ва А.Б.Утемурастовларнинг фикрича, “Тайёр маҳсулот - бу ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат маҳсулотига ҳамма ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот киради”⁶.

Тадқиқотлар натижаси турли ахборот манбаларида “маҳсулотлар”, “тайёр маҳсулотлар” тушунчаларига берилган таъриф ва тавсифларни ҳам ўрганиб чиқишни тақозо этди.

Интернет манбаларида соҳага оид луғатларда ушбу категорияларга оид куйидаги таъриф келтирилган:

Маҳсулот – иқтисодий фаолиятнинг ашёлар ва хизматларда мужассам этилган натижаси. Унинг моддий-буюм шакли моддий маҳсулот кўринишига эга.⁷

Тайёр маҳсулот (Finished Goods) – ишлаб чиқариш жараёнидан ўтган ёки қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ҳамда компаниянинг эгалигида бўлган, бироқ ҳали сотилмаган товарлар.⁸ Ушбу таърифда тайёр маҳсулот, вақтинча корхонанинг тасарруфида бўлган ва сотишга тайёр ҳолатда турган маҳсулот, деб ёндашилган.

Тайёр маҳсулотлар (Finished Goods) – ишлаб чиқариш корхоналарига хос бўлган инвентар тоифаси. Улар ишлаб чиқариш жараёнини тугатган, лекин ҳали сотилмаган ёки сотувчиларга тарқатилмаган маҳсулотдир.⁹

⁵ 4-сон БҲМС “Товар моддий захиралар” // АВ томонидан 30.06.2020 й. 3259-сон билан рўйхатга олинган. <https://lex.uz/docs/4890446>

⁶ Исмайлов К.С., Утемурастов А.Б. Молиявий ҳисоб. Маъруза матни. -Т.: Иқтисод-молия. 2011. -356 б.

⁷ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahsulot-uz/>

⁸ <https://www.wikiaccounting.com/accounting-finished-good/>

⁹ <https://www.indeed.com/career-advice/career-development/finished-goods>

Тайёр маҳсулотлар – бу технологик жараёнларнинг барча босқичларини ўтган ва белгиланган талабларга (буюртмачи, давлат стандартлари, техник шартлар) жавоб берадиган маҳсулотлар. У турлари, навлари ва сақлаш жойлари бўйича реал ва таннарх кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади. Қабул қилинган ҳисоб сиёсатига қараб, тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ёки ҳисоб-китоб баҳосида ҳисобга олинishi мумкин.¹⁰

Тайёр маҳсулот – корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулоти. Технологик ишлов беришнинг барча босқичларидан утган, тасдиқланган стандартлар ва техник шартларга мувофиқ келадиган (унинг сифатини тасдиқлайдиган сертификат ёки бошқа ҳужжат билан таъминланган), техник назорат булими қабул қилган ва омборга топширилган ёки харидорга юклаб жунатилган маҳсулот тайёр маҳсулот деб ҳисобланади.¹¹

Тайёр маҳсулот (Finished goods) - бу ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли давомида ишлаб чиқарилган ёки тайёр ҳолатда сотиб олинган, лекин харидорларга ҳали сотилмаган маҳсулот ёки товарлар.¹²

Тайёр маҳсулотлар – қайта ишлаш йўли билан тўлиқ тайёр бўлган, амалдаги стандартлар ва техник шартларга мос келадиган, ташкилот ва буюртмачи (харидор) омборида қабул қилинган маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.¹³

Тайёр маҳсулот (TM) – бу товар қайсики, компания томонидан келгусида сотиш мақсадида ишлаб чиқарилади.¹⁴

Компания ёки яқка тартибдаги тадбиркор бозорда нима билан чиқса тайёр маҳсулот дейилади. Унга нафақат товар ёки маҳсулот, балки хизмат, иш ва ҳуқуқлар ҳам таълуқлидир. Тадбиркор тайёр маҳсулотлар ишлаб

¹⁰ https://buxgalter.uz/publish/doc/text146642_uchet_gotovoy_produkcii

¹¹ <http://hozir.org/tajer-masulot-isobi-tajer-mahsulot.html>

¹² <https://www.audit-it.ru/ifrs/terms/items/finished-goods.html>

¹³ https://www.audit-it.ru/terms/accounting/gotovaya_produktsiya.html

¹⁴ <https://www.b-kontur.ru/enquiry/911-uchet-gotovoy-produkcii-v-buhguchete>

чиқариш ҳисобини юритмасдан туриб, ўзининг бизнесини назорат ва самарали бошқара олмайди.¹⁵

Юқорида келтирилган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган ҳамда халқаро ва миллий стандартлар, шунингдек ахборот манбаларида келтирилган таърифлар муҳим илмий амалий аҳамият касб этиб, тайёр маҳсулотларнинг муҳим жабҳаларини очиб беради. Лекин, ушбу таърифлардан кўришиб турибдики, маҳсулотлар, шу жумладан тайёр маҳсулотларга доир уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ягона таъриф мавжуд эмас. Уларда маҳсулот ва тайёр маҳсулотларнинг барча жиҳатларини ўзида акс эттирадиган тавсифлар келтирилган, деб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абрютин М.С. Экономический анализ торговой деятельности: Учебное пособие. – М.: «Дело и Сервис», 2000, - 512 с.
2. Аудит. Дарслик I-жилд. (М.М. Тулаходжаева, Ш.И.Илхамов, К.Б.Ахмеджанов ва бошқалар. ТДИУ. –Т.: NORMA 2008. -320 б.
3. Бабаев Ю.В. и др. Бухгалтерский финансовый учет. Учебник для ВУЗов, 2005.
4. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация. М.: Финансы и статистика, 2002. 623 с.
5. Боронов Б.Ф. Корхоналар молиявий активларини баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш. Илмий-услубий тавсиялар. – Самарқанд. СамИСИ. 2020. – 36-бет.
6. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.